



ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИ ВА БОШҚАРУВ АНЪАНАЛАРИ

Ашуров Зиёвуддин Юлчиевич

Ижтимоий ва сиёсий фанлар

Институти магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18502592>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 31-yanvar 2026 yil

Ma'qullandi: 2-fevral 2026 yil

Nashr qilindi: 6-fevral 2026 yil

KEY WORDS

туркий халқлар,
давлатчилик, хуннлар, Кўк Турк
хоқонлиги, тўра, қурултой, ҳарбий-
маъмурий тизим, дипломатия.

ABSTRACT

Ушбу мақолада туркий халқлар давлатчилигининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва унинг жаҳон давлатчилик тарихи тараққиётида тутган ўрни таҳлил қилинади. Хуннлар, Кўк Турк, Оқ хунлар, Табғач, Аршакийлар, Қорахонийлар, Салжукийлар, Усманийлар, Чингизийлар ва Темурийлар давлатлари мисолида туркий давлатчилик анъаналарининг асосий хусусиятлари очиб берилади. Мақолада ҳарбий-маъмурий бошқарув, тўра қонуний тизими, қурултой институти, дипломатия ва ҳуқуқий анъаналарнинг шаклланиши ёритилган. Археологик ва ёзма манбалар асосида туркий халқларнинг давлатчилик тажрибаси кўчманчи ва ўтроқ цивилизациялар уйғунлигида юзага келгани асослаб берилади.

Туркий халқлар давлатчилиги жаҳон тарихидаги энг қадимий ва таъсирчан сиёсий-анъанавий тизимлардан бири ҳисобланади. Евроосиё кенгликларида шаклланган туркий давлатлар нафақат ҳарбий-сиёсий куч сифатида, балки давлат бошқаруви, ҳуқуқий тафаккур, маъмурий тизим, дипломатия ва маданий интеграция соҳаларида ҳам инсоният давлатчилиги тажрибасига салмоқли ҳисса қўшган. Туркий давлатчилигининг асосий хусусиятлари, жаҳон давлатчилиги тарихи учун киритган янгиликлари ва уларнинг аҳамияти масаласи узок вақтлардан буён тарихчи, сиёсатшунос олимларни қизиқтириб келган долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Туркий давлатлар шаклланиши билан туркий ўзлик ҳам шакллана бошлади. Албатта, ўзликни англаш учун миллий давлатчилик ва ҳукумат ҳам зарур унсурлар бўлиб хизмат қилади. Кўчманчи туркий қавмлар Хитой ва Форс давлатлари таъсиридан қутулиш баробарида миллий ўзлик шаклланиши учун маданий асос ярата олдилар. Туркий давлатчилик анъаналари илк бор милoddan аввалги VII-VI асрларда шаклланган хуннлар (хунну) давлати мисолида намоён бўлади¹. Хитой манбаларида хуннлар марказлашган ҳокимият, аниқ ҳарбий-маъмурий иерархия ва солиқ йиғиш тизимига эга бўлган давлат

¹ Sinor, D. (Ed.). The Cambridge history of early Inner Asia. Cambridge University Press. –Cambridge: 1990. –P. 85–102

сифатида тасвирланади². Бу давлатда шаньюй бошчилик қилган марказий ҳокимият қавмлар иттифоқини ягона сиёсий тузилмага бирлаштирган. Хуннлардан кейин VI асрда ташкил топган Кўк Турк (Гўктурк) хоқонлиги туркий давлатчилик тарихида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди. Ўрхун-Энасой битиклари хоқон ҳокимиятининг илоҳий легитимацияси, давлат ва халқ (эл) ўртасидаги ўзаро масъулият ғоясини акс эттиради³.

Бу борада ёзма манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган бўлиб, тарихчи Менандрнинг эсдаликларидан⁴, 568 йилда Византия элчиси Земархнинг Истеми (Истеми-ябғу) ҳузурига борган ҳолатини мисол қилиб келтириш керак. Учрашувда хоқон икки давлатнинг тобелик нуқтаи назаридан эмас, балки, ўзаро тенглик назаридан муносабат билдиради. Тарихчи О.П. Ждановичнинг фикрича, Византия Олтой минтақасида вужудга келган янги давлат - Буюк Турк хоқонлиги билан икки сабабга кўра алоқа ўрнатишга мажбур бўлади. Биринчидан, ўша пайтда халқи Марказий Осиёдаги энг яхши савдогарлар ва воситачилар бўлган Сўғдиёна ўлкаси ҳам хоқонлик қўл остига ўтган ва бу ҳолат уларни ипак савдосида Эронга қарамликдан холи қилар эди. Иккинчидан, турклар форслар ва империя чегарасига тажовуз қилаётган жанговар кўчманчи аварларга қарши курашда иттифоқчи бўлиши мумкин эди⁵.

Бу учрашув турклар мустақилликни миллий мавжудликнинг кафолати деб билишганини кўрсатади. Айтиш мумкинки, ёзма манбаларда тилга олинган туркий давлатнинг дастлабки тамал тоши Алп Эр Тўнга номи билан боғлиқ бўлиб, уни сак-турк давлати эканлигини тахмин қилиш мумкин. Тарихчи олим Насимхон Раҳмоннинг таъкидлашича, “Сак-турк империяси миллий тарихимизнинг илк босқичларидан бири саналган “Бўзқир давлати”га асос солди. Аммо “Бўзқир давлати”нинг шаклу шамоили ҳозирча унчалик ёрқин эмас, уни фақат Алп Эр Тўнга асос солган давлатнинг давоми сифатида билишади”⁶. Бу ерда тарихчи ёзма манбаларда тилга олинган “бўзқир” атамаси географик маънога эга бўлиб, дашт ҳудудида шаклланган давлатга ишора қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, туркий давлатлар шаклланишида дастлабки қабилалар ҳисобланган хуннлар ва саклар давлатлари ҳам географик жиҳатдан дашт ва ярим-чўл минтақаларда кенг тарқалган. Маданий жиҳатдан ҳам ушбу халқлар туркий халқларнинг аجدодлари эканлиги бугунги кун тарихчилари ва фан вакиллари томонидан эътироф этиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, туркий халқлар тарихини ўрганишда асосан археологик ва ёзма манбаларнинг аҳамияти катта. Бу борада йирик тарихчи олимлар Оролбўйи ва Шимоли-шарқий Эрон ҳудудларида шаклланган археологик маданиятларни қадимги дах қабилалари билан боғлашади. Дахлар Оролбўйи ва Шимоли-шарқий Эрон ҳудудларида мил. авв. 250-йилда Аршак томонидан ташкил этилган йирик давлатнинг аҳолиси ҳисобланади. Баъзи тарихчи тилшунослар Аршак исмини икки асосга ажратиб, “Ар”–эр, киши, “шак”–сак қabila номи билан боғлашади. Бунга мисол тариқасида В.В. Бартольд фин тилшунос олими Кай Доннернинг Ўрхун Энасой ёзувларини Аршакийлар тангаларидаги ёзувлар билан ўхшаш экани тўғрисидаги хулосаларини юқори баҳолаганини келтириш мумкин⁷. С. П.Толстов

² Golden, Peter B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. Harrassowitz. –Wiesbaden: 1992. . –P. 36–40

³ Кляшторный С. Г., Султанов Т.И. Государства и народы Евразийских степей. Петербургские Востоковедение. –Ст. Петербург. 2000. –P. 112–118

⁴ Menander Protector. Fragmenta // Corpus Scriptorum Historiae Byzantinae / Ed. B.G. Niebuhrii. Part I: Dexippi, Eunapii, Petri Patricii, Prisci, Malchi, Menandri, Olympiodori, Candidi, Nonnosi et Theophanis Historiarum Reliquiae, Procopii et Prisciani Panegyrici. Bonnae, 1829. 381 p.

⁵ Жданович О.П. Менандр Протектор. История: О посольствах тюрков к персам византийцам в 568 году (перевод и комментарии) // ЗОЛОТООРДЫНСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ. № 1(3). 2014. –Киев. 2014. –С. 22-31.

⁶ Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. [Масъул муҳаррир А. Рустам, муҳаррир Б. Омон]. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр. — Т., 1993. –Б. 7.

⁷ Бартольд В.В. Тюрки: Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. “Жалын”. —Алматы: 1993.—С. 9

Хоразм ва Оролбўйи археологиясига таяниб, дах–парн қабилалари Парфияга силжиб кириб, Аршакийлар давлатини барпо этганини илмий асослайди. Милоддан аввалги 250-йил атрофида Ўрта Осиё сатрапликлари Салавкийлар ҳукмронлигидан чиқиб кетади. Парн-Дах қабилалари ҳукмдорлари, ака-ука Аршак ва Тиридатлар бошчилигида Жанубий Туркменистонда дашт қабилаларининг кўзғолони Аршакийлар сулоласи бошчилигидаги Парфия давлатининг шаклланишига олиб келади⁸.

Тарихчи олим Л.Н. Гумилёв бу ҳақда “Сурияликлар ва мисрликлар юнонларга мослашиб кетдилар, мустабидлик ҳали тўлиқ тубанлаштириб улгурмаган шарқий эронликлар эса, қарши курашиш учун ўзларида куч ҳис қилдилар ва ғалабага эришдилар. Парфияда найзадор суворилар ташкил этилиб, ушбу 240 оила қадимги етти уруғ билан бирга олий табақани ҳосил қилишди” дея фикр билдиради.⁹

Тарихчи олимларнинг тадқиқотларида туркий халқлар тузган давлатларнинг дастлабки намунаси Осиё-хун империяси дея номланиб, милоддан олдинги VII асрдан эрамизнинг 48-йилигача яшаган. Бу давлат кейинроқ иккига Шимолий хун ва Шарқий хун давлатига бўлинган. Хун давлати томонидан олиб борилган тинимсиз юришлар оқибатида Хитой чегара ҳудудларда девор курди. Хитой ҳукумати узоқ даврлар мобайнида туркий халқлар ичига жосуслар киритиб, уларнинг ҳарбий ва миллий қудратига зиён келтиришга уриниб келган. Хунлар империяси милодий 48 йилда ўзаро курашлар оқибатида таназзулга юз тутди. Уларнинг тарқалиб кетган бир қисми ғарбга томон силжиб, Рим империяси чегараларига қадар етиб борди. Хун империясининг ёрқин вакили Аттила ҳақида кўплаб ёзма манбаларда маълумот берилади. Оқ хун давлати туркий халқлар ва Марказий Осиё ўтроқ халқларининг дастлабки бирлашувининг намунаси сифатида, Ўрта Шарқда – эфталит империяси деб ҳам юритилади. Империянинг таркибига Ҳиндистоннинг ярми, Афғонистон ва Туркистоннинг катта қисми кирган эди. Ҳиндистон бу сулола таркибида бўлганлиги учун Кўк тангридан ташқари, буддизм ҳам бу давлатда етакчи дин сифатида кенг тарқалган эди. Европа хунларида бўлгани сингари, бу ерда ҳам кучли ассимиляция жараёнлари бошланиб, маданий янгиланишлар жадал суратда кетаётган эди. Бироқ бу ерда маҳаллий аҳолининг тили ўз макеини сақлаб қолди. Туркий тил билан бир қаторда санскрит тили ҳам бу сулолада давлат тили сифатида амал қилаверди. Оқ хун династияси 367 йилдан йилгача яшади. Аммо Мовароуннаҳр ва Эронда, Шимолий Ҳиндистонда турк уруғлари ўрнашиб мустаҳкамлана борди.

Туркий халқлар асос солган яна бир қадимги давлат Табғач давлати. Тарихчи олим С. Г. Кляшторний Табғач давлатини туркий тилли бўлганлигини таъкидлайди¹⁰. Сабаби Ўрхун ёзувларида айна “табғач” сўзи ишлатилиб, ўз вақтида академик В. В. Радлов ҳам табғач давлатини туркий ўзакка эга, деган фикрларни берган¹¹.

Негадир тили Олтой тиллар оиласига кирувчи халқларни турк ва мўғул тиллари сифатида иккига ажратиб талқин қилиниши тушунарсиз. Тарихчи тилшунос А.С. Шабалов уйғур хонлари насабларини тарихига оид манбаларни икки гуруҳга бўлади: ёзма ва археологик. Ёзма манбалар бу халқлар тарихига оид ривоят асарлардир; фақат этнографик ва нумизматик ёдгорликлар кам. Муаллиф лингвистик жиҳатдан барча ёзма манбалар асосан хитой, юнон, форс ва латин тилларида ёзилган дея маълумот бериб, уйғур хонлари рутбалари ҳақидаги ёзма манбаларни мўғул тилидаги қиёсини излашга уринади¹².

⁸ С.П. Толстов. По следам древнехорезмийской цивилизации. Ч. II. Гл. VI. –М.Л. 1948. –С. 124-125.

⁹ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. (Таржима, кириш сўз муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар:

Бахтиёр Ўрдабекли, Абдуқаюм Айритомий). «Фан» нашриёти. –Тошкент. 2007. –Б. 133.

¹⁰ Кляшторный С. Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма / С. Г. Кляшторный; Филологический факультет СПбГУ. — СПб., 2003, С. 154.

¹¹ Радлов В. В. Титулы и имена уйгурских ханов. СПб, 1890 // Зап. / Вост. отд-е Импер. рус. археол. общ-ва. – М., 1890. – Т. 5. – С. 265–270

¹² Шабалов А. С. Титулы и имена уйгурских ханов (монголоязычная интерпретация) // Известия Иркутский государственного университета. Серия «История» 2013. № 1 (4). С. 131–145

Туркий халқлар тарихини ўрганган инглиз олими Д. Синор таъкидлашича, туркий давлатлар ўнлик тизимига асосланган ҳарбий-маъмурий бошқарув моделини ишлаб чиққан¹³. Ушбу тизим кейинчалик Чингизхон давлатида такомиллаштирилиб, Евроосиё миқёсида самарали бошқарув воситасига айланган.

Машхур турколог Л.Н. Гумилевнинг таъкидлашича, туркий давлатларда қонун ва анъана уйғунлигига асосланган “тўра” тизими мавжуд бўлган. Тўра давлатни бошқаришдаги умумий қоидалар, одат ҳуқуқи ва сиёсий меъёрлар мажмуасини англатиб, ҳокимиятни чеклаш ва адолатни таъминлаш вазифасини бажарган¹⁴. Сўнгги ўрта асрларда Марказий Осиёда ислом динининг кучли сиёсийлашуви ва ҳукмдор элита вакилларининг оддий халқ орасида таъсирини кучайтириш мақсадида олиб борган уринишлари натижасида бу унвон диний аҳамият касб эта бошлади. Унвон Фарғона водийси ва Қашғар ҳудудларида XX аср ўрталарига қадар амалда халқ орасида дин ва адолат пешвоси тимсоли бўлган.

Тарихчи П.Б. Годеннинг фикрига кўра, туркий халқлар давлатчилиги ва сиёсий институлари тизимида “қурултой” алоҳида аҳамият касб этган. Қурултой туркий давлатчиликка хос муҳим сиёсий институт бўлиб, унда давлатнинг энг муҳим масалалари ҳал этилган, ҳукмдор сайланган ёки тасдиқланган¹⁵. Ушбу тизим туркий халқларнинг уруғ-аймоқчилик анъаналари асосида шаклланганлигини билдиради. Бу институт жамоавий қарор қабул қилиш анъанасини шакллантириб, прото-демократик бошқарув унсурларини юзага келтирган. Шарқшунос олим В.В. Бартольднинг фикрига кўра, “хоқон” олий ҳоким ҳисобланган бўлса-да, унинг ваколатлари тўра ва қурултой қарорлари билан чекланган. Бу ҳолат мутлақ монархиядан фарқли сиёсий модел мавжуд бўлганини кўрсатади¹⁶.

Кўк Турк ва Уйғур Хоқонликлари Хитой, Сосоний Эрони ва Византия билан фаол дипломатик муносабатлар ўрнатган. Туркий элчилик амалиёти ва шартнома тузиш анъаналари халқаро ҳуқуқ тарихида муҳим ўрин тутди¹⁷.

Туркий давлатчилик анъаналари Қорахонийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар, Олтин Ўрда ва Усманийлар давлатларида изчил давом эттирилди¹⁸. Айниқса, Усманийлар давлатининг кўп миллатли бошқарув модели ва ҳуқуқий плюрализми жаҳон давлатчилик тарихи учун муҳим намуна ҳисобланади.

Салжукийлар давлатида Низомулмулк томонидан яратилган “Сиёсатнома” асари давлат бошқаруви назариясини бойитган муҳим манба ҳисобланади¹⁹.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, туркий халқлар давлатчилиги кўчманчи ва ўтроқ цивилизацияларни уйғунлаштирган, қонун ва анъана мутаносиблигини таъминлаган ҳамда ҳарбий-маъмурий бошқарувнинг универсал моделини яратган. Туркий халқларнинг шаклланиши ва давлатчилик анъаналари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Уларнинг жаҳон халқлари давлатчилик тарққиётига қўшган хиссаси нақадар улкан эканлигини аниқлаш ва келажак авлодга холисона чиқарилган хулосаларни бериш тарих фани соҳаси тадқиқотчилари учун улкан масъулият юклайди.

¹³ Sinor, D. (Ed.). The Cambridge history of early Inner Asia. Cambridge University Press. –Cambridge: 1990. –P. 120-123

¹⁴ Гумилёв Л. Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1993. –С. 214–220

¹⁵ Golden, Peter B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. Harrassowitz. –Wiesbaden: 1992. . –P. 98-101

¹⁶ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.; Л.: Изд-во АН СССР, 1963.

¹⁷ Golden, Peter B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. Harrassowitz. –Wiesbaden: 1992. . –P. 150-158.

¹⁸ Кляшторный С. Г., Султанов Т.И. Государства и народы Евразийских степей. Петербургские Востоковедение. –Ст. Петербург. 2000. –Р. 112–118

¹⁹ Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Фан, турли нашрлар.